

БАНК ТИЗИМИДА АУДИТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Матчанов Азизбек Исломбек ўғли

БМА магистранти

Аннотация. Республикамиз иқтисодиётини тартибга солиш ва ривожлантиришда тижорат банкларининг фаолияти катта таъсир кўрсатади. Шу сабабдан, банklar томонидан шаклландиган ишончли молиявий маълумотлар давлат бошқаруви учун стратегик бошқарув инструменти ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда мақолада банк тизимида аудит ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилган.

Аннотация. Деятельность коммерческих банков оказывает большое влияние на регулирование и развитие экономики нашей республики. По этой причине достоверные финансовые данные, формируемые банками, являются инструментом стратегического управления для государственного управления. Исходя из этого, в статье рассматриваются специфические аспекты аудита в банковской системе.

Abstract. The activities of commercial banks have a great influence on the regulation and development of the economy of our republic. For this reason, reliable financial data formed by banks is a strategic management instrument for Public Administration. From this, the article examines the specific aspects of auditing in the banking system.

Таянч сўзлар: аудит, аудиторлик ташкилотлари, аудитор, Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС).

Ключевые слова: аудит, аудиторские организации, аудитор, Международные стандарты аудита (МСА).

Key words: audit, market audit, corporate governance, corporate governance system, audit organizations, auditor, international auditing standards (ISA).

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштириш, жаҳон молия бозорига интеграциялашувини тезлаштириш ва капитал бозорини ҳамда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш энг муҳим устувор вазифалардан ҳисобланади. Аудиторлик фаолиятини замонавий тенденцияларга мувофиқлигини таъминлаш, аудитнинг халқаро стандартлари ҳуқуқий мақомини қонун даражасида белгилаш ва уни жорий этиш орқали аудитни халқаро миқёсда унификациялашни таъминлаш, аудиторлик текширувидан ўтадиган корхоналарда, шу жумладан банklarда корпоратив

бошқарувнинг замонавий тизимини жорий этиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида жаҳон молия бозорига интеграциялашувни тезлаштириш ва капитал бозорини янада ривожлантириш мақсадида аудит хизматлари соҳасида чуқур таркибий иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонуни, корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сон “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [1,2,3] қарорларининг қабул қилиниши Республикамизда аудиторлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасининг яратилиши, аудиторлик хизматлари бозорини янада ривожлантиришга, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шаклланиши, халқаро стандартлар асосида фаолият юритиш натижасида иш сифатининг ошиши ва халқаро тармоққа аъзо бўлиши ҳамда аудиторларнинг профессионал билим ва малакаси ошишига олиб келмоқда. Бироқ, банк тизимида аудиторлик текширувини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан алоҳида талаблар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонунининг 14- моддасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг аудиторлик фаолияти соҳасида ваколатлари белгилаб берилган, бунга қуйидагилар киради:

банкларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди;

банкларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқи учун аудиторнинг малака сертификатини бериш тартибини белгилайди ва уни беради;

банкларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқи учун аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган Аудиторларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Банк ва банклар гуруҳи аудиторлик текширувининг мақсади банкнинг ва банклар гуруҳининг молиявий ахбороти ҳамда бошқа молиявий маълумотлари тўғрилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка ҳамда молиявий ҳисоботларга оид халқаро стандартларга мувофиқлигини аудиторлик ташкилоти томонидан аниқлашдан иборат.

Банкларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари ва банклар гуруҳининг йиллик консолидациялашган молиявий ҳисоботи аудиторлик текширувидан ўтказилиши

мажбурийдир. Банкнинг ва банклар гуруҳининг аудиторлик текшируви Марказий банкнинг талабига кўра умуман банкнинг ёки банклар гуруҳининг фаолияти бўйича ҳам, улар фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича ҳам ўтказилиши мумкин.

Банкнинг йиллик молиявий ҳисоботи, банклар гуруҳининг йиллик консолидациялашган молиявий ҳисоботи тўғрисидаги аудиторлик хулосаси қонунда назарда тутилганидан ташқари, аудиторлик ташкилоти томонидан:

банк, банклар гуруҳи томонидан ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра пруденциал нормативларнинг бажарилишини;

банкнинг, банклар гуруҳининг ички назорати ва таваккалчиликларини бошқариш тизимларининг ташкил этилиши Марказий банк томонидан қўйилган талабларга мувофиқлигини текшириш натижаларини ўз ичига олган бўлиши керак.

Аудиторлик ташкилотлари банкнинг ва банклар гуруҳининг фаолиятини текшириш натижаларига кўра молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлайди (ёки тасдиқламайди), шунингдек банкнинг йиллик молиявий ҳисоботида, банклар гуруҳининг консолидациялашган йиллик молиявий ҳисоботида илова қилинадиган аудиторлик хулосасини беради.

Аудитнинг халқаро стандартлари аудиторлик фаолиятидаги узоқ йиллик тажрибани бирлаштиради ва бутун дунёда аудиторликни ривожлантириш ҳамда тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олади. АХС бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги дунёнинг етакчи мутахассислари, илғор мамлакатларнинг амалиётчилари ва тадқиқотчилари томонидан олиб борилган кўп йиллик ишларнинг энг яхши натижаси сифатида шаклланди. Шу муносабат билан Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан киритилган барча ўзгаришларни мунтазам янгилаб бориш билан АХСни Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг ягона стандарти сифатида қабул қилинди. АХСни жорий этиш аудитни халқаро миқёсда бирхиллаштиришни таъминлайди ва корпоратив бошқарув сифатини оширади ҳамда бу орқали аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллашувига, аудиторлик хизматлари сифатининг ошишига ва ишбилармонлар ҳамжамиятининг аудиторлик ташкилотлари иши натижаларига ишончини таъминлашга олиб келади. Жаҳон иқтисодиётидаги интеграция жараёнларининг ривожланиши билан халқаро миқёсда аудиторликни бирлаштириш зарурати туғилади. Европа Иттифоқи мамлакатларида расмий аудиторлик текширувини ўтказишда фақат мустақил ташкилот Аудит ва ишонч билдириш халқаро стандартлари Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган Аудитнинг халқаро стандартлари қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сон Қонунида жамият йиллик молиявий ҳисоботни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шартлиги белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сонли “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор
4. Arens, A., Elder, R. & Beasley, M., Auditing and Assurance Services, 14th ed., 2012, Prentice-Hall, Englewood Cliffs, NJ.